

**Davronbek R. MAKHSUDOV,**  
*Doctor of Historical Sciences, First Deputy  
Chairman of the Committee on Religious Affairs under  
the Cabinet of Ministers Republic of Uzbekistan.  
12, Navoi str., 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [davronbek.m@mail.ru](mailto:davronbek.m@mail.ru)*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022/3/1

**АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙНИНГ  
“ТАЪВИЛОТ АЛ-ҚУРЪОН” АСАРИДА  
ХАДИСЛАР ТАҲЛИЛИ**

**ANALYSIS OF HADITHS IN  
“TA’WILAT AL-QUR’AN” BY  
ABU MANSUR MATURIDI**

**АНАЛИЗ ХАДИСОВ В КНИГЕ  
“ТАВИЛАТ АЛЬ-КУРАН” АБУ  
МАНСУРА МАТУРИДИ**

**КИРИШ**

Имом Абу Мансур Мотуридий илм-фан ривожланган милодий IX–X асрларда яшаган. Бу пайтда ислом илмларидан тафсир, ҳадис, ақида ва калом, фикҳ, сийрат кабилар шаклланиб бўлган, мазҳаблар ислом олами узра кенг тарқалаётган, шу билан биргаликда турли оқимлар ўзларининг нотўғри ақидаларини ақл асосида асослаб тарқатишга уринаётган давр бўлган. Айрим гуруҳлар Имом Мотуридий ва у эргашган ханафийлик мазҳабини нақлга таянмаслик, хусусан, ҳадисларга суянмасликда айблайдилар. Бироқ олимнинг асарларини ўқиган одам бунинг аксини кўради. Аллома ўз навбатида бир оятни шархлаш учун 2–3 оятдан фойдаланади, оят шарҳига мос ҳадисни баён қилади ва қолаверса, саҳобийлар, тобеинлардан бир қатор ривоятлар келтиради. Ушбу жиҳатлар алломанинг ақлий билимлар билан бир қаторда, нақлий далиллардан ҳам кенг фойдаланганининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Мақолада алломанинг икки йирик асари – “Таъвилот ал-Қуръон”да ҳадислардан кенг истифода этганлиги ёритиб берилган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Мутакаллимларнинг буюк имоми сифатида танилган Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944) Қуръони каримнинг тафсирига бағишланган “Таъвилот ал-Қуръон” китоби билан машҳур

бўлган. Ушбу тафсир асарида аллома ақлий далиллар билан бир қаторда, нақлий ҳужжатлардан кенг истифода этган. Жумладан, Қуръони каримнинг йигирма тўққизинчи жузида йигирмага яқин ҳадисларни келтирган.

Аслида Имом Мотуридий оятни оят, ҳадис ва саҳобийлар сўзлари билан шарҳлашни “тафсир”, мужтаҳид олимнинг ўз илмидан келиб чиқиб, шарҳлашини “таъвил” деб атаган (Мотуридий, 2021:35–36). Чунки аллома тафсир деганда, фақатгина нақлга таянилгани, аксинча таъвил деганда, муфассирнинг ижтиҳод ва ақлий билимларига таянишини назарда тутган. Шу маънода Қуръон маъноларини ёритишда нақл бўлмаган ҳар қандай шарҳ ва изоҳларни муфассирнинг илмий қарашлари сифатида қабул қилган. Бунинг сабаби шуки, аллома наздида муфассир олим оятдан кўзланган бир нечта маънолар орасидан фақатгина битта афзал деб топганини танлайди, демакки, бу унинг ижтиҳодий қараши бўлади, деб ҳисоблаган<sup>1</sup> (Д.Махсудов, 2021:8–10).

Шу ўринда “тафсир” ва “таъвил” сўзлари изоҳига бироз тўхталиб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ. Жумладан, “Тафсир” сўзининг келиб чиқиши борасида икки хил қараш мавжуд. Биринчиси, у “фаср” сўзидан олинган бўлиб, баён қилиш, очиш ва изоҳлаш маъноларини беради. Иккинчиси, очиш маъносидаги “сафар” (сафар) сўзидан олинган ва ўзгаришга дуч келган. Яъни “с” ҳарфи билан “ф” ҳарфининг ўрни алмашган саналади. Бироқ айрим олимлар ушбу фикрни қўллаб қувватламаганлар.

“Тафсир” сўзи Қуръони каримда кўпроқ учрагани боис ундан Қуръон маънолари изоҳи тушуниладиган бўлиб қолинган. Ушбу сўзга Имом Заркаший (ваф. 794/1392) қуйидагича таъриф берган: “У Аллоҳ таолонинг Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га тушган Китоби тушуниладиган, унинг маънолари баён этиладиган, аҳком ва ҳикматлари чиқариладиган илмдир”. Аз-Зарқоний: “У Қуръони каримнинг барча ҳолатлари бўйича Аллоҳ таоло кўзлаган мақсадни инсон тоқати етганича ўрганиладиган илмдир”, деб айтади.

Ушбу таърифларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Тафсир илми Қуръони карим маънолари, ундаги сир ва ҳикматларни инсон тоқати

<sup>1</sup> Имом Мотуридий айтади: “Тафсир бу – Аллоҳнинг мақсади мана шу дейиш ва Аллоҳ бундан шуни кўзлаган деб гувоҳлик бериш. Агар ушбу маънонинг далили бўлса, ушбу тафсир тўғри бўлади, аксинча бўлса, ақлий тафсири номақбул саналади. Таъвил эса, қатъий айтмаган ва Аллоҳга гувоҳлик бермаган ҳолда эҳтимолли маънолардан бирини мақбул санашдир”.

**Аннотация.** Имом Мотуридий ислом оламида ақидавий таълимот асосчиси сифатида эътироф этилган буюк олим саналади. Унинг ақидага доир “Китоб ат-тавҳид”, Қуръон шарҳига оид “Таъвилот ал-Қуръон” китоблари маълум ва машҳур.

Мақолада тафсир ва таъвил тушунчаси ҳамда улар ўртасидаги нозик фарқлар, Имом Мотуридийнинг тафсир ва таъвилга бўлган ёндашуви ёритиб берилган. Хусусан, Имом Мотуридий оятларни тафсир қилишида оят, ҳадис ва саҳобийларнинг сўзларига алоҳида урғу берганини кўриши мумкин. Шундай бўлса-да, бугунги кунда айрим оқим вакиллари мотуридий-ҳанафийлар фақатгина ақлга боғланиб қолган, улар ҳадисни яхши билмайди, деган даъволарни илгари сурадилар. Бироқ олимнинг “Таъвилот ал-Қуръон” китобини ўқиган инсон бунинг аксини кўради. Ушбу мақсадда мақолада олимнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари 29-жузидида келтирилган 20 га яқин ҳадислар таҳлили баён қилинган.

Имом Мотуридий оятларни ҳадис асосида тафсир қилишида ҳадисларнинг ровийларига алоҳида тўхталмай, уларнинг матнлари билан кифояланганини кўриши мумкин. Мақолада бу услубнинг сабаблари илмий таҳлиллар асосида асослаб берилган. Шу билан бирга, олим тафсир жараёнида истифода этилган ҳадислардаги атамаларни шарҳлаб, ҳадис мазмунидан келиб чиқадиган хулосаларни ҳам баён этиб кетган. Бу эса оятнинг мазмун-моҳиятини тўлиқроқ билиб олиши ва ундан кўзланган мақсадларни англаб етишига ёрдам берган.

**Калит сўзлар:** тафсир, Имом Мотуридий, таъвил, мазҳаб, ақида, таълимот, ҳадис, муҳаддис, ақл, нақл, саҳих, заиф.

**Abstract.** Imam Maturidi is considered a great scholar known as the founder of creedal teaching in the Islamic world. His books “Kitab al-Tawhid” on the creed and “Ta’wilat al-Qur’an” on the commentary of the Qur’an are known and famous. The article explains the concept of tafsir and ta’wil and the differences between them, and Imam Maturidi’s approach to tafsir and ta’wil. In particular, it can be seen that Imam Maturidi gave special emphasis to verses, hadiths and the words of the Companions when interpreting the verses. Nevertheless, today, some representatives of sects claim that the Maturidi-Hanafis are only attached to the mind and they do not know the hadith well. However, a person who reads the scholar’s book “Ta’wilat al-Qur’an” will see the opposite. For this purpose, the article describes the analysis of about 20 hadiths presented in the 29<sup>th</sup> chapter of the scientist’s work “Ta’wilat al-Qur’an”. Imam Maturidi is satisfied with the text while interpreting the verses based on the hadith, without focusing on the narrators of the hadith. The article explains the reasons for this method based on scientific analysis. At the same time, the scholar explained the terms used in the hadiths in the process of interpretation, and also stated the conclusions derived from the content of the hadith. This helped to understand the meaning of the verse more fully and to understand its goals.

**Keywords:** tafsir, Imam Maturidi, ta’wil, madhab, aqeedah, teaching, hadith, muhaddith, intellect, naql, authentic, weak.

**Аннотация.** Имам Матуриди считается великим ученым, признанным основоположником науки о вероучении в исламском мире. Его книги “Китаб ат-Тавхид” и “Тавилат аль-Куран”, касающиеся исламского вероучения широко признаны и знамениты. В статье разъясняется понятие тафсир и тавиль и тонкие различия между ними, а также подход Имама Матуриди к тафсиру и тавилу. В частности, можно узнать, что имам Матуриди уделял особое внимание аятам, хадисам и словам сподвижников при толковании аятов. Тем не менее, сегодня представители некоторых течений утверждают, что матуридисты-ханафиты привержены только рациональному умозаключению и что они плохо знают хадисы. Однако человек, прочитавший книгу ученого “Тавилат аль-Куран”, увидит обратное. С этой целью в статье приводится анализ около 20 хадисов, представленных в 29-м джуде труда ученого “Тавилат аль-Куран».

Также, можно понять, что имам Матуриди уделял внимание текстам хадисов, а не их передатчикам при толковании аятов на основе хадисов. В статье на основе научного анализа объясняются причины этого метода. При этом ученый разъяснил используемые в хадисах термины в процессе толкования, а также изложил выводы, сделанные из содержания хадиса. Это помогло более полно ознакомиться со смыслом и понять его цели, которые перед ним стоят.

**Ключевые слова:** тафсир, имам Матуриди, тавиль, вероучение, ақида, учение, хадис, муҳаддис, умозаключение, нақл, саҳих, заиф.

етганича баён этадиган илмдир”. “Таъвил” сўзи “авл” (аслига қайтиш)дан олинган бўлиб, “аввалал калама ва тааввалаху” дейилганда фикрлади, ўйлади, тафсир килди ва гапирувчининг мақсадига қайтди маъносини англатади. Баъзилар бу сўзни

“иёла (сиёсат)” дан келиб чиққан деб, маъноси – сўзни бошқариб, ўз жойига қўйди, бўлади дейдилар. Умумий маъноси эса, бирор нарсани илмий ва амалий жихатдан ўз мақсадига қайтариш мазмунини англатади. Ушбу сўзнинг илмий жиха-

ти ўша нарсани асли, далолати ва тўғри фаҳмига қайтариш орқали бўлса, амалий жиҳати уни адо этиш ва бажариш билан бўлади.

Тадқиқотчи олимлар тафсир билан таъвил ўртасидаги фарқ масаласига ҳам тўхталиб, аслида таъвилнинг икки маъноси бўлиб, уларнинг биринчиси бу тафсирнинг айна ўзи саналади, иккинчиси, бирор нарсани аслига қайтариш ҳисобланади. Буларнинг ўртасидаги фарқ ҳам айнан ушбу иккинчи маъно билан боғлиқ бўлиб, ушбу фарқ ҳам маълум бир жиҳатларга тааллуқли ҳолосдир. Ушбу фарқлар қуйидагилардир:

1) Тафсир таъвилдан кўра маъноси кенгрок бўлиб, тафсир лафз ва сўзларда кўпроқ ишлатилса, таъвил жумлаларда кўпроқ ишлатилади. Масалан, тушлар таъвили каби. Илоҳий китобларда кўпроқ таъвил сўзи ишлатилса, тафсир илоҳий ва илоҳий бўлмаган китобларда ҳам қўлланилаверади;

2) Тафсир фақатгина бир маънони баён қилса, таъвил кўзда тутилган турли маънолардан бирини ифодалайди;

3) Тафсир ривоятларга, таъвил эса диroyтга боғлиқ бўлади. Муфассир олим ал-Хозин (678/1280–741/1341) айтади: “Тафсир билан таъвилнинг фарқи шуки, тафсир нақлга, таъвил эса, соғлом фикрга таянади” (Д.Махсудов, 2021:5).

4) Айтиладики, тафсир илми одамлар учун, таъвил илми эса Ҳаққ учун, дейилади. Бу ҳақда Қуръонда: “Унинг таъвилини Аллоҳдан ўзга ҳеч кимса билмас”, дейилади.

Демак, таъвил тафсирдан кенгрок тушунча бўлиб, ҳар бир таъвил қилувчи муфассир бўлади, бироқ ҳар бир муфассир таъвил қилувчи бўла олмайди. Ҳар иккисининг ўз ўрни бор: тафсир биринчи даражада бўлса, таъвил иккинчи даражада бўлади.

Ушбу таъриф ва ёндашувлардан кўриниб турибдики, тафсир билан таъвил борасида олимларнинг қарашлари ҳар доим ҳам яқдил бўлмаган. Айримлар уларни бир маънода кўрсалар, бошқалар фарқлаганлар. Тафсир илмида иккита катта йўналиш мавжуд. Булардан биринчиси нақлий бўлса, иккинчиси ақлий тафсир услубидир<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Ушбу икки йўналиш тафсир қилиш кўринишига кўра катта аҳамиятга эга бўлиб, ислом оламида бу борада кўплаб тафсир китоблари ёзилган. Жумладан, нақлий тафсир каторида Абу Жаъфар Табарийнинг “Тафсир ат-Табарий”, Абд Ибн Ҳумайд Кешийнинг “Тафсир Кеший”, Ибн Касирнинг “Тафсир ал-Қуръон ал-азим”; ақлий йўналишда Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон”, Имом Замахшарийнинг “ал-Кашшоф”, Қози Байзовийнинг “Тафсир ал-Байзовий”, Абул Баракот Насафийнинг “Мадорик танзил ва ҳақоик ат-таъвил” каби юзлаб асарлар мавжуд.

Оятни оят, ҳадис ва саҳобий сўзи билан изоҳлаш тафсир илмида энг афзал услуб деб топилган. Шу боис ҳадислар Қуръон маъноларини тушунишда алоҳида аҳамиятга эга. Ўз навбатида Имом Мотуридий оятлар изоҳида ҳадисларга алоҳида урғу беради. Бироқ ҳадисларни келтиришда уларнинг ровийларига алоҳида тўхталмайди, балки уларнинг матнлари билан кифояланади. Бунинг бир нечта сабабларини таҳлил қилиш мумкин.

Биринчидан, ҳар бир муфассир маълум даражадаги ҳадисларни ҳам билиши талаб этилади. Чунки тафсир қилишнинг асосий шартларидан бири ҳадис бўйича етарлича билимга эга бўлиши лозим. Имом Мотуридий ва унинг атрофидагилар ҳам ҳадисларни яхши билган ва тафсир асносида ҳадисга ишора қилиш, матнини келтириш билан кифояланган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, олим яшаган даврда ҳадис билан шуғулланувчи муҳаддислар кўп бўлган ҳамда, аксарият ҳадисларнинг саҳиҳ ва носаҳиҳлиги ажратиб олинган бўлиб, эндиликда саҳиҳлик даражасидаги ҳадисларнинг ровийларини келтиришга ҳожат ҳам қолмаган бўлиши мумкин.

Учинчидан, муфассирнинг асосий мақсади ҳадисларни жамлаш ва уларнинг саҳиҳлик даражасини текшириш эмас, балки оят шарҳида муносиб келувчи ҳадислардан фойдаланиш бўлган бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, Имом Мотуридийнинг илмий даражаси шу қадар юксак бўлиб, нақлни шу даражада эгаллаб бўлганки, унинг асосий илмий ёндашуви нақлнинг саҳиҳлик даражасини текшириш эмас, балки нақлга асосланган ҳолда ақлий далилларни ўрганиш ва ақлий билимлар, мантиқдан кенг фойдаланиш бўлган.

Бешинчидан, олим ўз давридаги ақлни нақлдан устун қўювчи оқим ва тоифаларга қарши курашган, шу боис ҳам унинг мақсади ақлий билимларни нақл асосида ривожлантириш, айрим нақлга тўғри келмайдиган ақлий қарашларни нотўғрилигини кўрсатиш, уларни атрофлича баён этиш бўлган ҳамда ровийларни ўрганиш унинг тадқиқот объектига кирмаган.

Энди, Қуръони каримнинг 29-жузида Имом Мотуридий келтирган ҳадисларни таҳлил қилиб чиқсак. Жумладан, “Маориж” сураси 24–25-оятларида шундай дейилади:

وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ.  
لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ

“Улар (топган) мол-мулкларига сўрагувчи ва (мол-давлатдан) маҳрум кишилар учун маълум ҳақ (яъни закот) бўлган зотлардир”.

Имом Мотуридий “маҳрум”нинг кимлиги борасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўралганларида, у зот: “Маҳрум – одамларнинг хурмоси мева берганида уники мева бермайдиган, одамларнинг экини унганида уники унмайдиган ва одамларнинг қўйи сут берганида уники сут бермайдиган киши”, деб жавоб берганлари тўғрисидаги ривоятни келтиради.

Имом Мотуридий мазкур ҳадисни шарҳлаб, «...Демак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам “маҳрум” деганда мол-мулкининг баракасидан маҳрум бўлган кишини назарда тутганлар. Мазкур ҳадисда киши хурмо ва ер эгаси бўлгани билан бадавлат инсонга айланиб қолмаслигига ишора бордир», деб айтади. Бу билан аллома баракаси бўлмаган инсонни маҳрум деб сифатламоқда. Бирок сўзини давом эттириб, маҳрум даромад қилишдан чорасиз, бугунги кун билан айтганда, тирикчилик қилолмай қолган киши ҳам бўлиши мумкинлигини кўшимча қилади. Ўз навбатида бундай кишига ёрдам бериш кераклигини таъкидлайди.

Шу билан бирга аллома ҳадис ровийларини келтирмайди.

Суранинг давомидаги 27-оятда шундай дейилади:

وَالَّذِينَ هُمْ مِنْ عَذَابٍ رَجِيمٍ مُشْفِقُونَ

**“Ва улар Раббисининг азобидан кўркувчилардир”.**

Мазкур оятда келган مُشْفِقُونَ [мушфикун] лафзи “кўркувчи, хавфсировчи зотлар”, деган маънодадир.

Муфассир алома ушбу оят шарҳида ҳам ҳадисни келтиради: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Улар ўғрилиқ қиладиган, зино қиладиган ва гуноҳ ишларни қиладиган кишиларми?” – деб сўралганида, у зот: “Ўйқ, балки намоз ўқийдиган, рўза тутадиган ва закот берадиган кишилардир”, деб жавоб берганлар ёки шунга ўхшаш фикр айтганлар. Уларнинг хавфсирашлари қилган бу яхшиликлари қабул қилинмаслигидан ёки берилган неъматлар шукрини адо этишда нуқсонга йўл қўйган ёхуд улардан кўпининг шукрини адо қилишдан ғафлатда қолмадикми, деб кўркишларидир.

“Инсон” сураси 3 та ояти шарҳида ҳам ҳадислар келтирилганини кўриш мумкин. Масалан, 2-оятда айтилади:

إِنَّا خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَاهُ سَمِيعًا بَصِيرًا

**“Албатта, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик. Уни синаймиз. Бас, уни эшитадиган, кўрадиган қилдик”.**

Имом Мотуридий ушбу оятдаги “инсон” нутфа ҳолида тўлиқ инсон эмаслиги, лекин Аллоҳ таоло нутфа, эмбрион ҳолига ҳам инсон дейишида унинг охири ва натижасини кўзда тутгани, шу сабаб ҳар бир нарсани охириги натижасига қараб иш тутиш лозимлигини таъкидлайди. Бунга далил сифатида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисни келтиради: “Бирор иш қилмоқчи бўлсанг, унинг ниҳоясини чамалагин. Агар яхши бўлса, уни амалга ошир, агар ёмон бўлса, уни тўхтатгин” (А.Аллокулов, 2021). Демак, У зот ишларнинг ниҳоясига назар солишни лозим деб топган.

Натижа ва оқибатга қараб иш қилиш борасидаги шу мазмундаги ҳадис “Ҳаққа” сураси, 32-оят (Сўнгра етмиш қулочли занжирга киритинг уни!) тафсирида ҳам келтирилади. Жумладан ҳадисда шундай дейилади: “Бир иш қилмоқчи бўлсанг, унинг оқибатини ўйла. Агар тўғри бўлса, уни амалга ошир. Агар ёмонлик бўлса, уни тўхтат” (Абдураззоқ, 1983) (Ибн Муборак, 1995).

Ушбу икки ўринда келтирилган ҳадисда бевосита ҳар бир нарсани оқибатига қараб хулоса чиқариш, олдиндан ўлчаб, ўйлаб кўриш, шундан кейин унинг яхши ва ёмонлигига қараб хулоса чиқариш лозимлиги уқтирилган. Ушбу сабаб икки оят тафсирида келтирилган.

Ҳадисларда хайру эҳсон қилиш, бошқаларга моддий ёрдам бериш, ҳатто ўзи еб турган таомидан саховат қилишга алоҳида урғу берилганлигини кўриш мумкин. Бундай мазмундаги ҳадислар бевосита Куръони каримдаги оятларнинг тарғиби учун келтирилган. Жумладан, Инсон сурасининг кейинги 8-оятда:

وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسْكِنًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا

**“Ўзлари таомни яхши кўриб турсалар ҳам, уни мискин, етим ва асирга берарлар”**, дейилган.

Аллома оятни шарҳлар экан, инсон ўзи муҳтож ва зарурат сезиб турса-да, бошқаларга берган садақа энг афзал садақа эканини таъкидлайди ҳамда бунга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини келтиради: “Садақанинг энг яхшиси сен соғлом, очкўз бўлиб, яшашдан умид қилиб, фақирликдан кўрққан ҳолингда берганингдир”<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши садақа ҳақида сўраш учун Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хузурига келди ва: “Ё Набиюллоҳ, ажри энг улуг садақа қайси?” деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом бундай марҳамат қилдилар: “Ўзинг соғлом, қизганчиқ ҳолингда, фақирликдан кўркиб, бойишни умид қилиб турганингда қилган садақангдир. Жонинг ҳалқумингга келгунича (садақа беришни) кечиктириб, кейин: “Фалончига мана бунча, фалончига мана бунча, фалончига мана бунча”, деб юрмагин. Ахир, фалончи ўтиб бўлди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Бу билан муфассир оятларга мос тарзда хадисларни ҳам яхши билгани, оят мазмунига мувофиқ келадиган жойларда ундан етарлича фойдаланганини кўриш мумкин.

Муфассир барча ўринларда ҳам хадисларнинг тўлиқ матнини келтирмайди. Балки унинг мазмуни билан кифояланади. Жумладан, “Инсон” сураси, 14-оят (Ва унинг соялари уларга яқин ва мевалари жуда юмшоқ қилиб қўйилгандир) шарҳида шундай дейди: “... хадисда ривоят қилинишича, агар жаннатдан дунёга бир билакузук ташланса, у бутун дунёни ёритиб юборарди ва ёруғлиги куёш зиёсидан ҳам устун келарди (Абу Мансур Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.29. 2022).

Чунки бу ерда хадис оят мазмунини кучайтириш ва янада қўллаб-қувватлаш учун келтирилган, бошқа ўринларда эса шархлаш ва изохлаш учун келтирилган.

Қуръони каримнинг бир нечта жойида жаннат ва унинг васфи баён этилади. Табиий равишда хадисларда ҳам жаннат ва унинг аҳлини изохлашчи маълумотлар берилди. Жумладан, “Инсон” сурасининг 21-оятида ҳам жаннатдагиларнинг кийимлари, ичимликлари ёритилиб, шундай дейилган:

عَالِيَهُمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٌ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ  
وَحُلُوهَا أَسَاوِرٌ مِنْ فِضَّةٍ وَسَقَائِهِمْ رَبَائِمٌ أَرْبَابًا طَهُورًا.

**“Уларнинг юқориларида яшил сундус (юпка ипак)дан ва истаброқ (қалин ипак)дан кийимлар бор ва улар қумуш билагузуклар билан ясанганлар ва Раббилари уларни пок шароб билан суғоргандир”.**

“Таъвилот”да ушбу оят шархланар экан, бунга мос бўлган хадис келтирилади: Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Жаннат аҳлидан бўлган кишига ейишда, ичишда ва жимода юз кишининг қуввати берилди», дедилар. Шунда бир яҳудий: “Еган-ичган киши ҳожат ҳам чиқаради(ку)?”, деди. У зот: “Улардан бирининг ҳожати терисидан сизиб чиққан хушбўй тер бўлиб, шунда унинг қорни ҳам бўшайди», дедилар<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Ибн Абу Хотимдан ривоят қилинади: «Ахли китоблардан бир киши Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам олдиларига келиб: “Эй Абулқосим, сен жаннат аҳли еб, ичадилар деб ҳисоблайсанми?” деди. Шунда у зот айтдилар: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, улардан бир кишига ейишда, ичишда, жимода ва шахватда сизлардан (бўлган) юз кишининг қуввати берилди”. Шунда бир яҳудий: “Еган-ичган киши ҳожат ҳам чиқаради. Жаннат эса пок, унда ифлослик ҳам, азият (берадиган нарса) ҳам йўқ”, деди. У зот: “Улардан бирининг ҳожати терисидан сизиб чиққан хушбўй тер бўлиб, шунда унинг қорни бўшайди”, дедилар» (Суютий. Ад-Дурр ал-мансур. 1/000; Самарқандий. Бахр ал-булум. 3/103).

Жаннатга кирувчилар борасида Қалам сураси 13-оят (**Қўпол, ундан сўнг, отасининг тайини йўққа**) шарҳида келган хадис ҳам эътиборга молик. Жумладан, Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган хабарда: “Жаннатга жаввоз, жаъзарий ва ал-утулуз занимлар кирмайди”, дедилар. Мусулмонлардан бир киши: “Эй, Аллохнинг расули! Жаввоз, жаъзарий ва ал-утулуз занимлар кимлар?” деб сўради. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Жаввоз – тўплаб, бермайдиган (бахил). Дўзах уни терисини сидириб олиш учун чақиради. Жаъзарий эса “қўпол, тошбағир”дир.

Худди шундай мазмунга яқин ва савол-жавоб услубидаги хадисни Қалам сураси 42-оят (**Болдирлар шимарилган кунида ва улар саждага чақирилганда, қодир бўлмаслар**) шарҳида ҳам кўриш мумкин. Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ушбу мазмунда хадис ривоят қилинган: “Ким Аллох таолога йўлиқишни ёқтирмаса, Аллох ҳам у билан учрашишни ёқтирмайди. Ким Аллохга йўлиқишни ёқтирса, Аллох ҳам у билан учрашишни ёқтиради”. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламдан бунинг қачон юз бериши ҳақида сўралди. У зот: “Ўлим вақтида”, дедилар.

Мазкур маънодаги хадис “Қиёмат” сураси 7-ояти (**Қачонки кўз лол қолиб кўрқинчга тўлса**) шарҳида ҳам келтирилган. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “Ким Аллох таолога йўлиқишни яхши кўрса, Аллох ҳам у билан учрашишни яхши кўради. Ким Аллох таолога йўлиқишни ёмон кўрса, Аллох ҳам у билан учрашишни ёмон кўради”, деганлар. Ушбу хадисдан олдин яна Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган куйидаги хадис ҳам мавжуд: “Дунё мўминнинг зиндони, кофирнинг жаннатидир”.

Бундан кейин эса яна бир хадис тақдим қилинади: “Дарҳақиқат сизлар, Раббингизни қиёмат куни худди ўн тўрт кунлик ойни кўргандек кўрасизлар ва Уни кўришда шак қилмайсизлар”, деганлар.

Бундай хадисларнинг кетма-кетликда келиши мазмуннинг умумий бир йўналишда экани, асосий мавзу охират, дунёнинг ўткинчилиги ва ўлимнинг ҳақлиги билан боғлиқ.

Демак, асарда мавзу бир-бирига яқин келган ўринларда бир нечта хадисларнинг келтирилиши, битта хадиснинг қайта-қайта такрорланиши каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Ушбу ҳадислар услуб жиҳатидан саволга жавоб шаклига мос. Чунки бу ўринда савол берилмоқда ва унинг жавобида жаннат аҳлининг таомлари қандай тарзда чиқиши баён этилмоқда.

Аслида тафсирга доир ҳадислар услуби жиҳатидан оятни тушунтиришда ҳадис айтилади ёки оят бўйича берилган саволга жавоб айтилади ёки қайсидир саҳобий оят мазмунини тушунмаган бўлса, уни тўғрилаш бўйича изоҳ берилади. Яна бир қарашга кўра, Пайғамбар алайҳиссаломнинг барча фаолияти Қуръонни изоҳлашдан иборат бўлган дейишади. Бундан келиб чиқиб, у зотнинг ҳар бир айтган сўзи, қилган иши, маъқуллаган фаолият, ҳаёти тарзининг ўзи ҳам Қуръоннинг шарҳи ҳисобланади.

Ислом динида пайғамбарларнинг алоҳида мақомга эгаллиги, айрим диний амаллар уларга хослиги, аксинча оддий одамлар бундай амалларни қилишга қодир бўла олмасликлари таъкидланади. Жумладан, кечқурунги таҳажжуд намози ҳам шундай ибодатлар сирасига киради. Бу ҳақда “Муззаммил” сурасининг 20-ояти (Албатта, Раббинг сенинг кечанинг учдан биридан озроғини, ёки ярмини, ёки учдан бирини қоим бўлиб ўтказишингни ва сен билан бирга бўлганлардан ҳам бир тоифа (шундоқ қилаётганларини) биладир. Ва Аллоҳ кеча-ю кундузни Ўзи ўлчайдир. У сизлар ҳеч чидай олмаслигингни билди, сизларга (енгилликни) қайтарди. Бас (энди), Қуръондан муяссар бўлганича ўқинглар. Сизлардан келажакда касаллар бўлишини ҳам билди. Бошқалар ер юзида юриб Аллоҳнинг йўлида фазлини ахтаришини, яна бошқалар эса, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишларини (ҳам билди). Бас, ундан муяссар бўлганича кироат қилинглар. Ва намозни қоим қилинглар, закот беринглар ва Аллоҳга яхши қарз беринглар...) шарҳида шундай дейилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган: “Тунда ибодат учун туриш менга фарз қилинди. Сизларга эса фарз қилилмади”, ҳадисини ҳужжат қиладилар. Ҳадиснинг маъносини шундай: “Таҳажжуд менга фарзлигича қолди, сизлардан эса ушбу ҳукм кўтарилди”.

У зотнинг ибодати шукр маъносида эканига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган қуйидаги ривоят далил бўлади: «У зот икки оёқлари шишиб кетгунича (намозда) тик турар эдилар. Шунда у зотга: “Эй Аллоҳнинг Расули, сизнинг аввалги ва кейинги гуноҳларингиз афв этилмаганми?” дейилди. У зот (алайҳиссалом): “Шукр этувчи банда бўлмайинми!?” дедилар».

Бунинг давомида эса, меросхўрларга қолдирган меросида ўзи учун яхшилик борлигига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси далил бўлади: “*Меросхўрларингни бой ҳолатда қолдиришинг, уларни инсонлардан тиланчилик қиладиган даражада фақир этиб қолдиришингдан яхшироқдир*” (Абу Мансур Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон, 2022).

Қуръон оятларида душман томон билан урушиш, улар қилич кўтариб келганда шу тарзда жавоб қайтариш, ўз навбатида Пайғамбар алайҳиссалом бундай кимсаларга кўрқинч тимсоли бўлганлиги айтилади. Жумладан, Мурсалот сураси, 18-оят (**Гуноҳкорларни шундоқ қиламиз**) шарҳида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан шундай ривоят қилинган қуйидаги ҳадис келтирилади: “*Мен (Аллоҳ томонидан) икки ойлик масофадан (душманнинг кўнглига) кўрқув тушириш нусратига эга бўлдим*” (Абу Мансур Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.29. 2022).

Бу билан бир томондан, оятдаги умумий мазмунга изоҳ берилган бўлса, иккинчи томондан, Пайғамбар алайҳиссалом яхшилар учун яхшилик тимсоли бўлса, уруш истовчиларга кўрқув даҳшати сифатида ҳам намоён бўлганини кўрсатади.

“Муддассир” сурасининг 6-оят (**Ва кўп (иш) қилган бўлсанг ҳам, миннат қилма**) тафсирида: “**Ушбу (ғанимат) мол(и)дан менинг ҳақим бешдан бирдир. (Ушбу) бешдан бир ҳам сизларга қайтарилади**” (Абу Мансур Мотуридий, Таъвилот ал-Қуръон. Ж.29. 2022) мазмунидаги ҳадис билан у зотнинг камтарона ҳаёт кечиришлари, Пайғамбарга берилган ўлжалар ҳам аслида мусулмон жамиятининг заиф қатламига қайтарилиши уқтирилган.

Мотуридийлик таълимотида ақидавий масалаларда оҳод, яъни мутавотир (ровийлар кўплигидан ривоятнинг ёлғон эмас деб топилган ҳадислар) даражасига чиқмаган ва кам сонли ровийлар томонидан ҳадислар қабул қилиниши таъкидланади. Бироқ айрим оқим тарафдорлари эса, ҳанафий-мотуридийларни ақида масалаларида оҳод ҳадисларни қабул қилмасликда, бошқалари эса қабул қилишда айблайдилар.

Масаланинг моҳияти шундаки, ақида аниқ ва ишопчи ривоятга асослангани сабабли фақатгина мутавотир ривоятларгина қабул қилиниши керак. Бироқ охиратдаги сирот кўприги, мезон тарозиси каби ақидавий масалаларни Ҳизбут таҳрир қабилар мутавотир эмас деган сабаб билан қабул қилмайдилар (аслида бундай хабарлар лафзи мутавотир бўлмаса-да, бу каби мазмундаги

ривоятлар кўплиги сабабли маънавий мутава-тир ҳисобланади), сохта салафий тарафдорлари эса, мотуридийларни оҳод хабарларни қабул қилмасликда айбладилар. Бунга жавобан Имом Мотуридий “Муддассир” сурасининг 8-ояти **(Бас, вақти келиб, дудга пуфланса...)** шарҳида қуйидаги сўзларни келтиради:

Гарчи бу нарса айрим ҳадисларда сур мавжудлиги аниқ зикр қилинган бўлса-да, биз оятнинг таъвили ҳақиқий маънода эмас, балки ўхшатиш маъносида бўлиши ҳам мумкин, дедик. Чунки у ҳадислар оҳод хабарлардир. Хабарул воҳид (бир кишининг ривояти) амал қилиш ҳақидаги илмни вожиб қилади, шоҳидлик ҳақидаги илмни эмас. Сурнинг ҳақиқати фақатгина эътиқодий ишдир. Эътиқодий масалаларда қатъий ҳукм қилинмаслиги учун бу масала устидан аниқ ва қатъий ҳукм чиқарилмаган.

## ХУЛОСА

Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари ақлий ва ҳам нақлий мисол ҳамда далилларга бой тафсир ҳисобланади. Чунки олим ўз даврида Қуръон оятларини кўплаб нақлий далиллар ёрдамида шарҳлаш баробарида ақлий мисоллардан ҳам кенг фойдаланган. Жумладан, ҳадисларни ҳам ўз ўрнида ҳужжат сифатида келтирганки, бу алломанинг ҳадис борасидаги билимини кўрсатади. Бироқ ҳадисларнинг ровийларини келтирмаслиги унинг ҳадислар илмидан яхши хабардорлигидан далолат бериб, тафсир китобида асосий моҳиятни ривоятларнинг саҳиҳ ёки носаҳиҳлигига эмас, балки ривоятларни мазмун жиҳатдан изоҳлашга қаратганини билдиради. Шу билан бирга муфасир аллома келтирган ҳадисларнинг ровийлари аниқлиги ва бевосита саҳиҳ ҳадис китобларида мавжудлиги унинг саҳиҳ ривоятлардан фойдалангани билан ажралиб туради.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдураззок. (1983). *Мусаннаф*. Ж.11. Байрут: Мактуб ал-ислабий.
2. А.Аллоқулов., З.Арслонов (Нашрга тайёрловчилар). (2021). *Таъвилотдан дурдоналар*. Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
3. Абу Мансур Мотуридий. (2021). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.30. (Таржимонлар: А.Хофий ва б.) Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази” нашриёти.

4. Абу Мансур Мотуридий. (2022). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.29. (Таржимонлар: А.Аллоқулов ва б.) Тошкент: “HILOL-NASHR” нашриёти.

5. Д.Маҳсудов. (2021). *Тафсир услублари (дарслик)*. Тошкент: “Ўзбекистон халқаро ислом академияси” нашриёт-матбаа бирлашмаси.

6. Ибн Муборак. (1995). *Зухд ва рақои*. Дамашк: Меърожул дувалия линашар.

7. Али ал-Қорий. (йили кўрсатилмаган). *Шарҳ ал-Фикҳ ал-акбар*. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.

8. Али ал-Қорий. (йили кўрсатилмаган). *Зовул маоли шарҳ бадил амоли*. Қозон.

9. Абул Баракот ан-Насафий. (1988). *Мадорик ат-танзил ва ҳақоъиқ ат-таъвил*. Ж.1–3. Байрут: Ҳайъатул ифосатил исломиятил оламия.

10. Абул Баракот ан-Насафий. (1999). *Тафсир ан-Насафий*. Ж.1. Байрут: Дор Ибн Касир.

11. Абу Мансур ал-Мотуридий. (2005). *Таъвилот ал-Қуръон*. Ж.3. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.

12. Саъдуддин ат-Тафтазоний. (1319/1901). *Шарҳул ақоидин Насафия*. Қозон: Юсуфий нашриёти.

13. Абдулазиз Мансур. (2006). *Ақоид матнлари*. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.

14. *Ислом Энциклопедия*. (2004). Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти.

15. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ат-Табризий. (1991). *Мишкот ал-масобиҳ*. Байрут: Дор ал-фикрат.

16. Нажмиддин Кубро. (2009). *Ат-Таъвилотун нажмия фи-т-тафсирил ишорий ас-суфий (Алоудд давла Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Симноний. Айнул ҳаёт) /тахқиқ: Шайх Аҳмад Фарид ал-Мазидий*. Ж.6. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.

17. Саъдуддин ат-Тафтазоний. (1319/1901). *Шарҳ ал-ақоъид ан-Насафийа*. Қозон: Юсуфий нашриёти.

18. Самир Мустафо. (2001). *Тафсир ибн Арабий*. Ж.2. Байрут: Дор ихё ат-турос ар-арабий.

